



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN
CHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОЙ ГАЗЕТА

№ 27 (4529)
2019 ЙИЛ 5 ИЮЛЬ

ҲЕЧ КИМ ИСТЕЪДОДСИЗ ТУФИЛМАЙДИ

Ёш ижодкорларнинг мустақил Ватан адабиётига
Жиззах диёридан қўяётган қадамлари қутлуғ бўлсин.

Ш.МИРЗИЁЕВ



ЗОМИН
ЁШЛАРИ

Ҳар қўнгил бир дарё, оқмоқ истаса,
Ҳар дилда бир чўғ бор, ёқмоқ истаса,
Истаса, шеър отлик чакмоқ истаса,
Дилбар дил ахлининг биз дилдошлари,
Хуш кўрдик, хуш кўрдик, Зомин ёшлари.

Нима бор демангиз Зомин тоғида,
Поклик кайнаб ёгур ҳар булоғида,
Қуёш қалам йўнар ой ўроғида,
Шеър битса дафтардир хатто тошлари,
Қалам қўлингизда, Зомин ёшлари.

Мажнунот тағида Миртемир гувоҳ,
Баъзан шеър бўларкан биттагина оҳ,
Абдулла Орифнинг изида ирмоқ,
Соғу омон бўлсин олтин бошлари,
Ватан чирғидир Зомин ёшлари.

Ой доғин терарлар ойдин туллари,
Зулфия момонинг ошпоқ гуллари,
Эй назм боғининг хуш бўлбуллари,
Ҳамид Олимжоннинг дил қўшлари,
Қувонч қўнғироғи Зомин ёшлари.

Ҳар ким ҳўлолмагай қўнгил чашмасин,
Шундай шеър ўқингки, тошлар гулласин,
Мухаммад Юсуфнинг руҳи қўлласин,
Ўзбек рағбатидир кўзу қошлари,
Зомин ёшлари бу, Зомин ёшлари!

Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Давлатимиз томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор уларнинг ўз истеъдодларини намоён этиши, орзу-умидларининг рўёби, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама етук ва комил инсонлар бўлиб вояга етишлари учун мустаҳкам замин яратаётир.

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан олға сурилган беш ташаббуснинг замирига назар ташласак ҳам бунга амин бўламиз. Бинобарин, беш ташаббус орқали қамраб олинган ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига кизиқишларини ошириш, уларни жисмоний чиниктириш, спортга кизиқишларини қўллаб-қувватлаш, компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишини ташкил этиш, шунингдек, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни китобхонликка тарғиб этиш, ҳуллас, буларнинг барча-барчаси келажакимиз эгалари бўлган фарзандларимизнинг интеллектуал жиҳатдан барқарор авлод бўлиб етишишларини кўзда тутди.

Зотан, шу эътибор туфайли ҳам бугун ёшларимиз илм-фан, спорт, ахборот технологиялари, адабиёт ва санъат, қолаверса, бошқа соҳаларда ҳам ўз қобилиятларини намоён этишга ҳар қат қилишмоқда, интилишмоқда.

Яқинда мамлакатимизда Ёшлар куни катта тантаналар билан нишонланганига гувоҳ бўлдик.

3 июль куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Жиззах вилояти ҳамкорлигида Зоминнинг хушманзара ва баҳаво гўшаси бўлмиш "Ўрикисой" оромгоҳида анъанавий Ёш ижодкорлар республика семинари ўз иштини бошлагани айтиш мумкин. Ёшлар куни байрамига ҳамроҳанг тарзда улашиб кетди.

Тошкент шаҳридан Зомин сари кўркам автобусларда йўл олган



мамлакатимизнинг атоқли адиблари ва ёш ижодкорлари аввал Жиззах шаҳрига кириб, адиб ва жамоат арбоби Шароф Рашидов, атоқли шоирлар Ҳамид Олимжон ва Зулфия хайкаллари пойига гулдасталар қўйиш, уларнинг хотирасини ёд этдилар. Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳаёти, ижодига бағишлаб очилган музейга ташриф ижод майдонида эндигина тетапоё бўлаётган ёш йигит, қизларда унутилмас тассурот қолдирди.

Шундан сўнг Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Сайид бошчилигида Зомин семинари иштирокчилари Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактабида бўлишди. Мактаб ўқувчилари билан ўтказилган қизгин мулоқотдан сўнг, "Ижод" фонди кўмагида нашр этилган мамлакатимиз адиб-

лари қаламига мансуб китоблар мактаб кутубхонасига тўхфа қилинди.

Автобуслар қаровни яна йўлга тушди. Шу куни туш пайтида ёш ижодкорлар катта ҳаяжон ва завқ шавқ билан Зомин шаҳрига етиб келишди. Очиги, анчадан буён Зоминда бўлмагандим, дабдурустдан шаҳарни таний олмадим: бунёд этилган замонавий кўп қаватли уйлар, савдо-маиший ва спорт иншоотлари ҳамда ниҳоятда кўркам қаёфада қад кўтарган масжид Зоминнинг ҳуснига янада зеб берибди. Илоҳим, кўз тегмасин, дедим тўлқинланганимдан ҳамроҳларимга қарага. Уларнинг ҳам нигоҳи шаҳарнинг кўркам манзилларида, қалбларида олам-олам қувонч зоҳир эди.

Ниҳоят, сўлим Зомин шаҳри, бепоян кыр-адирлар ва иланг-биланг қўзилган даралар оша қўзланган манзил —


Ўрикисойга ҳам етиб келдик. Кўккача туташиб кетган тоғлардаги арчалар, турли-туман ўт-ўланларнинг анвойи ҳидлари, сойда шарқираб оқаётган зилол сув кишининг баҳри дилини очиб, илҳом булоқларини жўштириб юбориши ҳеч гап эмас. Ҳамма белгиланган манзилларига жойлашиб бўлгач, семинарнинг тантанали очилиш маросими бошланди.

Тадбир мутасаддилари Ёш ижодкорлар республика семинари очилишига бағишланган тантанали маросимни очаркан, аввало, эътибор юртимизда адиб ва шоирлар, қолаверса, энди адабиёт майдонига кириб келаётган ёш ижодкорларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва қўллаб-қувватлашга қаратилди. Жумладан, яқин йилларда пойтахтда барпо этилган Адиблар хиёбони ва Ёзувчилар уюшмаси биноси, Зомин ва Паркентда қурилган сыхатгоҳлар ижод аҳлини ниҳоятда қувонтириш билан бирга уларни янги ижодий марралар сари ундаётгани аниқ. Ўтган қисқа муддатда "Ижод" фонди хомийлигида қўллаб атоқли адиблар ва шоирларнинг

китоблари "Адиб ва жамият" рукнида нашр этилиб, китобхонлар эътиборига ҳавола қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг "Ёш ижодкорларнинг мустақил Ватан адабиётига Жиззах диёридан қўяётган қадамлари қутлуғ бўлсин" деган ҳикматли сўзлари Зомин семинарининг бош шioriга айлангани жуда ўринли бўлди. Ўтган семинарларда иштирок этиб, устозлар эътирофига тушган қўллаб ёшларнинг илк китоблари "Ижод" фонди томонидан 20 минг нусхада чоп этилди. Бу гал ҳам шундай эътирофга лойиқ қўрилган олти нафар ёш ижодкорнинг илк китоблари тақдироти бўлди. Айни шу кунгача уларнинг сони юз нафарга етиб қолди. Ушбу китоблар кутубхоналар ва мактабларга тарқатилди. Уюшма раиси, халқ шоири Сирожиiddин Сайид келгусида Зомин семинари макомини янада кенгайтириб, бу сўлим даргоҳга қўшни республикаларнинг ёш ижодкорларини ҳам тақдир этиш режалари кўзда тутилаётганини таъкидлади.

► 2



СҮЗ ИҮЛМ

СЎЗ АНЖУМАН ҚАТНАШЧИЛАРИ:

Жамшид ЁРОБЕКОВ (ЎЗА) олган суратлар.

1
Самолёт маҳаллий вақт билан соат ўн бири йиғирмада Минскка қўнди. Ҳаво салкин. Осмон булут. Шабада.

Аэропортдан чиқибнингиз ҳамона ажойиб манзарага дуч келасиз: ойнадай текис йўл ўрмонни ёриб киради — Беларусь замини сизга шундай бағир очади. Албатта, аввал бундай гаройиботни кўрмаган бўлсангиз хайратланасиз, хаяжонланасиз.

— Қандай чиройли жойлар-а?
— Беларусь ўрмон ва қўллар, ботқокликлар ўлкаси, — дейди хайдовчи бепарвогина. — Биринчи марта келишингизми?

— Ҳмм. Жуда чиройли экан... Беларусни шу ўрмонлар асраб қолган бўлса керак, — дея ўзимча тусом қиламан.

Хайдовчи энди таажжубини яширолмайди.

— Нега бундай деясиз? Кимдан, нимадан асраб қолган?

— Фашистдан... Бунда ҳар бир дарахт фашистга қарши курашган.

Ҳамроҳим жонлиб кетади:

— Тўппа-тўғри, гапингизга юз фойз қўшиламан. Ўрмонлар ҳам жанг қилган. Бобом, икки амаким урушнинг дастлабки кунлари ўрмонга қочиб, партизанлар отрядига қўшилишган. Қирк тўртинчи йилгача босқинчиларнинг додини беришган. Эҳ, нимасини айтасиз, беларусларда бир гап бор: “Бирор-бир хонадон йўкки, эшигини уруш тепиб очмаган бўлса...”

Ўйга чўмаман. Кўз ўнгимда киноларда кўрганам, китобларда ўқиганам — уруш даҳшатлари. Ўрмон ичидан гуррос-гуррос ўтаётган партизанлар сафи, озик-овкат, ўк-дори ортлган аравалар, ертўлаларда инграган ярадорлар тепасида мижжа қокмаган ҳамшираларнинг ташвишли қиёфаси намоён бўлади.

Туйқус... туйқус... Йўл ёқаси — ўрмон четиди осмонмонанд қарағай ортида елкасига қурол осган қорақўз, қорақош ўзбек ўғлони кўз ўнгимга келади.

У жилмайиб қўяди. Юрагим увишади.

2
“Планета” меҳмонхонасига жойлашдим. Ўзбекистоннинг Беларусдаги элчихонаси ходимлари уруш ҳақида китоб ёзаётганимни билишгач, ишлари тизим бўлишига қарамай, менга катта ёрдам беришди. Улар мени Беларусь Республикаси Ахборот вазири, таниқли ёзувчи ва арбоб Алесь Карлюкевич билан таништириб қўйишди. Карлюкевич қаерга боришим, кимларга учрашим, қайси жойлардан манба йиғишим мумкинлигини зумда ҳал этди.

Уруш музейига борганда анча пайт киришга юрагим бетламади. Бу масканда одам қалбини дарага солаётган уруш даҳшатлари ақе этгани ҳақида интернет орқали маълумотга эга бўлгандим. Бу жой ҳақида сафар олдидан уюшмаимиз раҳбари Сирождин Сайид ҳам: “Энг аввало, сен уруш музейига киргин, айтишга тил ожиз мусибатларни ўз қўзинг билан кўриб, йиғлайсан”, деганди.

Музейдан чиқаётганларнинг кадам олиши оғир, нигоҳлари махзун, худди оғир жангдан мағлуб чиққан қаби бошлари ҳам, қўзларида ёш. Эшикка тиркалган ўриндиқда кепкасини қошигача бостириб олган жиккакина бир чол ўтирибди. У менга кизиксини қарайди:

— Нега халидан бери жойингизда депинасан, кирмайсанми? Ке, ўтир.

Қизик бобой экан-ку. Нима иши бор, кирманми, йўкми...

— Ўзим шунчаки, — чолнинг ёнига чўкаман. — Сиз кириб-чиқдингизми, қандай бўлди? — дейман дабдурустан.

Чол синчков назар ташлайди:

— Мен кирмайман. Ўғлим билан набирам кириб кетишди, ҳозир чиқиб қолишди.

— Сиз нега кирмадингиз? Хоҳламайсизми? Илдамни пайқаб қолган чол хўмрайди:

— Бундан ўттиз йил аввал бир кирганман, бу музейга. Мен бу ердаги даҳшатларни мана бу жойга, кўксимга, юрагимга жойлаганман. Мен бу кўргуликларни болалигимда, олти ёшимда ўз бошимдан кечирганман.

— Ноўрин гапим учун кечиринг, ота, — дейман мулзам бўлиб.

ОСМОННИ ТИТРАТГАН ОҒРИҚЛАР

3
Музейдаман. Қайғу-мусибатнинг чеки йўк. Елкангдан босган дард вужудингизни зиркратлади. Ҳаёт ва ўлим манзаралари ораллиғида тош қотасан.

Уруш музейида остона хатлаб Юрагим увишди. Урушни кўрдим... Ёшлик... Афғон жанги ёнимда портлаб, Танклар панасига ўзимни урдим. Фашист киргин солди — амр этган Гитлер, Тирик жон қолмади. Ўлдирди, ёқди. Нега тарс ёрилиб кетмайсан Ер?! Оловда чинқирган гўдаклар ҳақки. Тонгда одамларни тизиб деворга Фашист хушур қилиб тордан тамаки. Чинқириб йиғлади шунда бир бола: “Онам билан мени отманг, амаки!”. Милтиқлар ўк отди борлиқни тилиб, Булутлар қон сочди тонининг юзига. Осмон оқиб тушди ёпмоқчи бўлиб, Қўркувдан тош қотган бола қўзига. Гидқиз, қайғулошим, тўкмагин кўз ёш, Заминнинг қосағи кўз ёшга тўлган. Титраган лабимда энг сўнгги бардош: “... ҳар уч беларусдан биттаси ўлган...” Музейдан чиқсам бас. Тугайди азоб, Унгача тик турмоқ ўзи ғалаба. Катта бобосининг расминини силаб Юм-юм йиғлаётган шўрлик талаба... Чинқим, бир ниёт бор қалбнинг остиди: “Дунё турғунча тур. Илло, ўлма, ўс! Тирик қолганинг-чун Ернинг устиди. Кел, Сени бағримга босай, Беларус!”

4
Пуховичи тумани маркази Марьяна-Горкада. Журналист Анатолий амаки иккимизни ёши етмишларни қоралаган Александр Александрович кутиб олди. Пуховичи тарих музейида ишларкан. Йўл-йўлакай Анатолий амаки иккиси беларусларда туғилиш хаддан зиёд қамайиб кетаётгани, қишлоқлар хувилаб қолгани ҳақида куйиниб гаплашишди.

— Партизанлар жанг қилган ҳудудга яқинлашаймиз, — дейди Александр Александрович.

Уловимиз тор, лекин раво асфальт йўлда бепоён ўрмон оралаб юради. Борлиқ жимжит. Би-

роз ваҳимали. Атрофда на бирор техника, на бирор тирик жон кўзга чалинмайди.

— Партизанлар ичида ўзбеклар ҳам кўп бўлган дейишди? — билгим келади.

— Албатта. Ўзбеклар ҳам жанг қилган.

— Шулардан бири Мамадали Топиболдиев.

Жудаям мард, ёвқур жангчи бўлган. Совет Иттифоқи Қаҳрамони. Эшитганмисизлар?

— Адашмасам, Герасим Кирпичь бошчилигидаги “Чекист” деб номланган партизанлар бригадасида жанг қилган, — дейди Александр Александрович. — Бу бригада ҳақида музейимизда етарли маълумотлар фотоланган бор.

Александр Александрович йўл-йўлакай фашистлар киргинбарот қилган қишлоқлар ҳақида гапириб беради. У айтиб берган айрим даҳшатли воқеаларни кўз ўнгимда жонлантириб вужу-

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙЎЛЛАНМАСИ БИЛАН

одамларнинг ох-фарёдига тўлиб кетди. Мен ўғлимни елкамга олиб “тепага интил”, деб қичқирдим, томининг ёриғидан чиқиб қочиш мумкин эди. Ўғлим томга тармашди. Изидан мен. У беш метрлар чамаси юрган ҳам эдики, ўкка учди, пулемётдан отиб ўлдиришди. Бундай даҳшатли манзара, дол-фарёдни ҳеч бир инсон кўрмасин...”

Хатинь қишлоғида ўша кун 149 нафар киши ўлдирилди ёки тириклайин ёниб кетди. Шулардан 75 нафари болалар эди.

Вера 32 ёш, Николай 9 ёш, Мария 7 ёш, Татьяна 5 ёш, Нина 4 ёш, Ганусья 2 ёшда эди. Тўрт ойлик Любани эса бешиги билан қўшиб ёкиб юборишди.

Ҳа, бундай хунрезликлар Светогорск туманидаги Села қишлоғида, Горденск туманидаги Синий Камень қишлоғида, Осиновичск туманидаги Маковье қишлоқлари ва бошқа бир қанча ҳудудларда содир этилади. Бундай кўргуликларга шўринг қўғур бу замин қандай дош бердикин... Нега, нима учун, ахир, бегуноҳ одамларни ўлдириш, қийнаш, хонавайрон қилишни қандай оқламоқ мумкин? Оқлаб бўлармикин?



лимга минг-миллион игна санчилгандай сесканаман, бошимга оғрик қиради. Ён дафтаримда қайд этилган айрим хунрезликларга сиз ҳам кўз югуртиринг.

1942-1944 йиллар немис-фашистлари беларус халқидан ўч олиш мақсадида Могилёв, Минск, Витебск ва Гродненск вилоятларида 200 га яқин қишлоқларни ёкиб юборишди ва юз мингдан ортиқ одамни қириб ташлашди.

Хатинь қишлоғидаги фожияни ўз қўзи билан кўрган, тасодиф туфайли омон қолган темирчи Иосиф Каменский эслайди: “Мени ҳам шу сарай(омбор)га олиб келиб қамашди. Қизчам, ўғлим ва хотиним ҳам шу ерда. Одам тикилиб кетган. Мен қизалоғимдан сўрадим:

— Нега қийинчи олмading?

У жавоб берди:

— Бизни бу ерга хайдаб қиритишгаётиб қиймларимизни йиртиб ташлашди...

Одамларни хайдаб қиритишарди, сарай ичи лик тўлиб, қиймларининг иложи қолмади. Ҳаво етишмасди. Шу пайт эшикларни зичлаб ёпишди. Сарай томидан ўт қўйишди. Борлиқ

5
Бресть вилоти, Жабинков тумани, Дремлево қишлоғи. Ўша пайтда болақай бўлган Николай Емущко хотиради:

“1942 йилнинг 11 сентябрий тонгиди фашистлар қишлоқдаги ҳар бир хонадонга бош суқиб, одамларни ташқарига олиб чиқишди. Одамлар буни навбатдаги “ов”, ёшларни саралаб Германияга жўнатишга керак, деб ўйлашди. Эраклар ва ёшларни, аёллар ва болаларни эса бошқа-бошқа уйга хайдаб киришди. Эшикларни ёпишди. Кейин газандар рус тилида қичқирди: “Тўртга-тўртга бўлиб чиқинлар!!!” Сарай эшигидан тўрт киши чиқди. Уларни шу заҳоти отиб ўлдиришди. Сарайдан чиқмаганларни эса ёкиб юборишди...” Дремлево қишлоғида ўшанда 286 инсоннинг ёстиғи қуриди. Улардан 126 нафари ёш гўдаклар эди...

Минск вилоти, Логойск тумани, Тростень қишлоғи.

1943 йилнинг 7 май кунини фашист-конхўрлар 15 та ховлини ёкиб юборишди, одамларни ўкка тутишди. Отиб ташланганлар орасида Шапаровлар оиласи рўйхатиға эътибор беринг:

ТАШАББУСЛАР ҚАНОТ ЁЙМОҚДА


Давлатимиз раҳбари илгари сурган беш муҳим ташаббус ижросини ўрганиш ва бу борада амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан олим ва шоирлар, таниқли санъаткорлардан иборат тарғибот гуруҳи Сурхондарё вилоятида бўлишди. Бу диёр, унинг олов қалб фарзандлари ҳақида раҳматли шоир Теша Сайдали шундай мисралар битган эди:

Тўғри, дўстим, тўғри, шахрим ҳавоси
Оловдай иссиқдир ҳаттоки тунда.
Чунки машғал қилиб эл муддаосин,
Олов қалблар яшайди бунда!...

Дастлаб тадбир ўтказилган манзил — Термиз шаҳридаги 12-Меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Кенг ва ёруғ компьютер хоналари мавжуд. Кутубхона, турли тўғарақлар, спорт майдончаси уларнинг ихтиёрида. Учрашув якунида фаол, иктидорли тарбияланувчиларга Республика Маънавият ва маърифат марказининг Фахрий ёриқлари ҳамда ёзувчиларимизнинг янги чоп этилган китоблари совға қилинди.

Тарғибот тадбирлари жараёнида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги Жанубий-ғарбий ҳарбий округига қарашли ҳарбий қисмида бўлиб, қисм бошлиғи подполковник Учқун Тожиев билан суҳбатлашдик. У сўнгги йилларда ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-маърифий дунёқарашини юксалтиришга катта эътибор берилаётгани, бешта муҳим ташаббус Қуrollи Кўчлар тизимида ҳам кенг жорий этилаётганини алоҳида таъкидлади. Яқинда ҳарбий қисм кутубхонаси учун жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдоналари ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик мавзудаги адабиётлар билан бойитилганини эшитиб, олқишладик.

— Ҳозирги ҳарбий хизматчилар ахборот технологиялардан хабардор бўлиши жудаям зарур, — дейди у. — Айниқса, жисмоний тарбия ва



спорт уларнинг жанговар тайёргарликларини оширишларида, хизмат жараёнида дуч келинган ҳар қандай тўсиқ ва қийинчиликларни сабот ва бардош билан енгиб ўтишларида қўл келмоқда. Бир сўз билан айтганда, мухтарам Президентимизнинг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга йўналтирилган бешта муҳим ташаббуслари айни ўз вақтида илгари сурилган ташаббус бўлиб, мамлакатимизнинг барча ёшлари сингари, биз ҳарбийлар учун ҳам дастуриламалдир.

шоирларимизнинг ижодидан намуналар ўқиб берди, унинг ўзи ҳам шеър машқ қиларкан, жанрдор овозда:

Шодумон қўлларини кўрдик биз фақат,
Жангтоҳлар кечмадик сиздек тўқиб қон,
Жангларда биз учун жонидан кечган,
Ёвқур болаларим, Сизга шараф-шон! —

дея шеърини ўқиганида хизматдошлари гулдур қарсақлар билан қутлашди.

Худди шундай тадбирлардан бири Термиз тумани, Янгиариқ маҳалласида жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта мах-

сус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида ҳам бўлиб ўтди. Марказда жами 122 нафар талаба бўлиб, шундан 96 нафари ўзбек тили ва адабиёти, 26 нафари эса темир йўл таълим йўналишларида тахсил олишаркан. Ёшлар ўқинишдан бўш вақтларида тасвирий санъат, наққошлиқ, қулолчилик, ҳайкалтарошлиқ ва ҳунармандчиликнинг бошқа турлари билан шуғулланишгаётганини кўриб қувондик. Улар билан ҳам беш муҳим ташаббус ҳақида мулоқот қилдик. Бу борада уларнинг фикрини эшитдик. Талабалар, аввало, юртимиздаги барқарор тинчлик-осойишталикка ҳавас қилишлари ҳақида гапириб, бешта муҳим ташаббусни жуда яхши билишлари ҳамда келгусида ўқинишни битириб қайтгач, ўз мамлакатларида ҳам ёшларни маърифатли қилиш учун қўлларидан келганча ҳаракат қилишларини таъкидлашди. Тадбирда ўзбек-афғон дўстлиги тараннум этилган шеър ва қўшиқлар янгради.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли шоира Зулфия Мўминованинг “Болага китоб беринг” номли шеърини афғон талабалар гулдурас қарсақлар билан олқишладик.

Олтинсой туманидаги 18-Болалар мусика ва санъат мактабида фортепиано, хореография, халқ чолғу асбоблари, ўзбек халқ чолғулари, анъанавий созандалик, хонадалик, амалий санъат, бахшчилик, дамли чолғулар каби тўққизта йўналишда олиб борилади. Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ўғил болалар учун шахмат-шашка, тасвирий санъат ва қулолчилик, дурадгорлик, авиасозлик каби, қис болалар учун эса тиқиш-бичиш, каштачилик, пазандалик тўғарақлари фаолияти йўлга қўйилган.

Мактабнинг бир неча ўқувчиси 2018 йилда Маданият вазирлиги томонидан ўтказилган “Истеълод” халқро танловида ғолибликни қўлга қиритган.

Тумандаги 9-умумтаълим мактабида Тарих ва миллий истиклол ғолиб ҳамда ҳарбий қаҳриққа тайёрлаш бўйича ёш авлодга 40 йил таълим берган мураббий, халқ таълими аълочиси Ҳикматилла ота Исмаилов Сурхондарё тарихи, воҳада яшаб ўтган улғу инсонлар ҳақида, иккинчи жаҳон ва афғон урушида халок бўлган, истиклол йилларида турли ёвуз қучларга қарши мардонавор курашиб, ўз жонини қурбон қилган сурхондарёлик йигитлар матонатидан ҳикоя қилувчи “Ҳотира ва миллий қадриятлар” тарихи музейини очмоқчи экан. Устоз бу эзгу ишга кўрик-танловлар ғолиб бўлган қўллаб-қувватловлари ҳам жалб этган.

Воҳа бўйлаб кезар эканмиз, бу диёр аҳлининг азму шижоати асов Сурхондарё ва Тўполондарё тўқинлари мисол жўшқинлигини ҳис этдик. Йўл четиди бошоқлар донга тўлиб она заминга таъзим-ла бош эгиб турган бугдойзорлару бекасам тўндёк ястаниб ётган пахтазорларни кўриб бу элнинг танти бободоҳқонлари табиат инжиқликларини енгиб, мўл ҳосили етиштирганга гувоҳ бўлдик.

Булутта бўй чўзган тоғлар оралаб, баланд-паст кир-адирлар оша гўзал ва афсонавий Бойсун сари йўл олдик.

Бойсун тумани “Оила” марказининг раҳбари Интизор Яхшиева бизни “Ўзбекистон” маҳалласида янги кутубхонанинг очилиш маросимига чорлади. Кутубхонада харид қилинган китоблар билан бирга, маҳалла аҳли томонидан ҳадя этилган китоблар ҳам анчагина экан. Бойсунликларнинг бу эзгу тадбири бешта ташаббуснинг бирига амалий жавоб десак тўғри бўлади.

Ижодий сафаримиз поёнига етиб пойтахтга қайтарканмиз, қалбимизда ажиб бир қониқчи ҳосил қилдик. Мухтарам Президентимиз илгари сурган беш муҳим ташаббус — беш дастуриламани халқимиз, ҳусусан, ёшларимиз ҳаётига таъдиқ этиш улар қамолоти йўлида, жаҳоннинг юксак тараққиётида муҳим аҳамият касб этишини чуқур англаб етган сурхон аҳлининг бу борадаги саъй-ҳаракатлариға омадлар тиладик.

Зиқрилла НЕЪМАТОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Мир Алишер Навоий, шубҳасиз, жаҳон бадийи тафаккури тарихида ўзининг муносиб ўрнига эга буюк сўз санъаткоридир. Унинг жаҳон адабиёти хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўйилган бебаҳо асарлари ва XV асрнинг иккинчи ярмида Темурийлар даври илм-фан, санъатини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси бутун дунё илмий жамоатчилиги томонидан ақдолик билан эътироф этилган.

Алишер Навоий ижоди ва фаолиятига оид барча маълумотлар унинг цивилизациямиз тарихида туркий тилнинг араб ва форс тилларидан устун тамонларини ёритган ҳақда ўз она тилининг бой имкониятларини тўлиқ очиб берган буюк олим сифатида биз учун қадридир. Мамлакатимизда адабий жамоатчилигининг ушбу мавзуларга қайта-қайта мурожаат қилишининг боиси ҳам шунда.

Биламизки, ўша даврда форс тили шеърят тили, араб тили эса фан тили сифатида қабул қилинган деган тушунчалар мавжуд бўлган. Расмий ёзишмалар ҳам ушбу икки тил доирасида олиб борилар, туркий тилга авом тили сифатида қараларди. Алишер Навоий шундай оғир шароитда туркий тил — эски ўзбек тилининг мақомини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. У давлатманд бўлиб, катта ер ва бехисоб мол-мулкка эга эди. 1481 йили барча бойликларидан эҳтиёжмандлар фойдасига воз кечди. Вақф мулкларини шакллантириб, Ҳирот ҳудудидаси бинолар, хусусан, 24 савдо дўкони, 3-4 ёпиқ бозор, катта ҳудудли боғлар(255,5 квадрат майдондаги узумзорлар ва мевали боғлар), экин майдонларининг бир қисми(545 жариб) ва улардан келадиган даромадларнинг барчаси таълим муассасалари, дарвишлар ва қаландарлар, камбағал ва муҳтожлар, бева ва етимларнинг эҳтиёжисини учун сарфланди (“Вақфия”).

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ, профессор

АЛИШЕР НАВОЙ ИБРАТИ

НАВОЙ ТИЛИ

XIX асрда ўарб шарқшунослигида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига қизиқиш шоир ва давлат арбоби-бағишланган бир қанча асарларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ (М.Quatremere, 1841; M. Belin, 1861; E.J. Gibb, 26; E.W.Growne, 422, 423, 437, 453). Уларда, асосан, унинг ҳомийлик фаолиятига ҳамда туркий тил ва адабиёт ривожига қўшган муносиб ҳиссасига аҳамият берилади. Шарқ кўлемлари тавсифи билан шугулланган кутубхоначилар Алишер Навоий кўлемларига алоҳида эътибор қаратиб, шоирнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида шахсий кайдларини қолдирдилар (C.Rieu,273; И.Н.Березин, 14-22. Silvester de Saey; П.Савельев, т.1). Энциклопедияларда Алишер Навоий учун алоҳида жой ажратилга киришилди. Россия шарқшунослари орасида Навоийга қизиқиш пайдо бўлишига, Россиянинг Туркистон, яъни Амударё ва Сирдарё оралигидаги ҳудудни истило қилиш режаси бўйича сафарбар этилган миссионерларнинг маълумотлари сабаб бўлди. Зеро, маълумотларда тез-тез Алишер Навоий номи тилга олиниб, унинг шахсияти ўзбеклар орасида юксак ҳурматга сазоворлиги ва машҳурлиги ҳақида сўз юритилган. Чет элликларни шахар ва қишлоқлардаги аҳолининг саводхонлик даражаси хайрон қолдирган. Чунки дەرвҳи ҳар икки хонадоннинг бирда Куръон ва бошқа муқаддас китоблар билан бирга Навоий асарлари кўлемларида кўз қорачиқдек асраб-авайланган. Туркистон ўлкасининг барча шаҳару қишлоқларида “Навоийхонлик давралари” мавжуд эди. Бу давраларда аҳолининг саводхон қисми томонидан Навоий асарлари ўқилар, уларда дostonлар ва газаллар сатрлари орасида яширинган фалсафий маънолар шарҳланар эди.

Рус шарқшунослари орасида Амир Алишер феноменини чуқур тадқиқ қилган олим М.Никитскийдир. У ўзининг Навоий фаолиятига бағишланган магистрлик диссертациясида, ўзидан аввалги олимлардан фарқли равишда, шоир замондошлари Давлатшоҳ Самаркандий, Сом мирзо, Мирхонд ва Хусайн Бойқароларнинг буюк шоир ҳақидаги маълумотларини келтиришга ҳаракат қилди. Унда Мовароуннаҳр аҳолисининг умумистеъмолдаги тили ҳисобланган чигатой тили этноминининг пайдо бўлиш тарихи ҳақида изчил фикрлар билдирилган. Хусусан, Никитский шундай ёзди: “Туркистон қадим замонлардан бери ўзининг серхосил водийлари, бой майданлари, гўзал ўрмон ва дарёлари билан машҳур. Чингизийлар ва темурийларнинг сеvimли диёри ҳисобланган. Суронли юришлардан бир дам ором олиш имкони туғилганида улар, албатта, Сўғденианинг гўзал водийларида дам олишни афзал деб билишган. Чингизхон ўз ўғилларидан бири бўлган Чигатойга бу ҳудудни берди ва тақдир тақозоси билан мамлакат ва тил номи унинг номидан билан боғланди. Темурий ҳукмдорларнинг буюк даҳога бўлган юксак эҳтироми чигатой адабиётининг ривожланишига замин яратди. Чигатой тилида Туркистон аҳолисининг жула катта қисми гапирарди”. М.Никитский бу тил Алишер Навоий асарларида ўзининг ёрқин ифодасини топонимни алоҳида таъкидлайди. У шоирнинг келиб чиқилиш мазкур минтақага бориб тақалишига шубҳа қилмайди ва чигатой тили Самарканд, Хива, Андижон, Шаҳрисабз ва Бухоро шаҳарларида темурийлардан ҳам анча асрлар олдин мавжуд бўлиб келган эски ўзбек тилидан бошқа нарсга эмаслигини таъкидлайди. Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳам “Бобурнома”да Андижон аҳолиси Алишер Навоий ёзган тили сўзлашганини кайд этар экан, Навоийнинг она тили Андижон шевасига жула яқинлигига ишора этади.

“ЖАҲОН АДАБИЁТИ” 2019 йил май сони

Журналнинг мазкур сони турк адабиётига бағишланган. Танлики турк адабиёти, шоир ва драматурглари асарлари билан бирга Туркия маданияти ва санъати ҳақида бир неча мақола ҳам эълон қилинган. Жумладан, замонавий турк шеърятини намояндalарни Мехмет Нури Пармаксиз, Жўшун Қорабулут, Илгер Уйишлой сингари бир қатор шоирларнинг ижод намуналарини аслиятдан Хосият Рустамова таржима қилган. Аҳмад Шамширғилининг “Амир Темур” номли рисоласи Тохир Қаҳҳор таржимасида тақдим этилган. Ушбу асардан икки бўлим — Амир Темурнинг турк султони Йилдирим Боязид билан муҳорабаси ҳамда буюк Соҳибқирон шахсияти ҳақидаги қисмлари эълон қилинган. Тунжёр Жужен ўғлининг “Брут ёхуд Юлий Цезарнинг котили” трагикомедиясини (туркчадан О.Вейсал ўғли таржимаси) ва Самия Кўжағўзининг “Боткоқлик” номли ҳикоясини (таржимон П.Кенжаева) ҳам журналнинг ушбу сонида ўқийсиз.

Танлики шоир ва адабиётшунос М.Қўшмоқовнинг “Ижод зиебн” мақоласи ўзбекистон халқ шоири Шукрулло шеърятга таҳлилга бағишланган. М.Цветаеванинг “Бальмонт ҳақида сўз” эссеси (О.Суюндиқова таржимаси), Нусрат Каримнинг “Туркистон билан мулоқот” манзумаси, шунингдек, “Навоий сабоқлари”, “Санъатдаги сиймолар” руқнларига эълон қилинган шарҳлар, маълумот ва хабарлар ҳам муштарийларда қизиқиш уйғотиши тайин.

БИРИНЧИ МАҚОЛА



НАВОЙ ВА ЎЗБЕКИСТОН

Навоий фақат Ўзбекларга эмас, балки бутун туркий дунёга тегишлидир. XX асрнинг 20-йиллари В.Лениннинг Туркистон ва Кавказorti ўлкаларига автономия ва мустаккилик бериш ҳақидаги ёлгон ваъдаларидан илҳомланган туркий тили халклар умумтуркий адабий тил асосчаси Алишер Навоий даҳосига ўз эҳтиромларини изҳор этиш ва буюк шоир сиймосига ҳурмат бажо келтиришни бош вазифа деб билдилар. Мусулмон(ҳижрий) таквими бўйича Алишер Навоийнинг 500 йиллигини нишонлаш мақсадида 1926 йили Бокуда “Алишер Навоий — буюк турк шоири” шиори остида Биринчи Туркология курултойи ўтказилди. Унда Тошкентдан ҳам вакиллар қатнашди. Курултойда асосий эътибор Навоийнинг туркий тилларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси, давлат арбоби сифатидаги мақоми ва миллий ўзлик ғояларига қаратилди. Курултойда ўша даврнинг етакчи туркийшунос олимлари томонидан Навоий ижоди ва ҳаёти юзасидан бир неча маърузалар қилинди, хусусан, Исмоил Ҳикматнинг “Навоий ҳаёти ва адабий тафаккури”, Мирзо Жалол Юсуфзоданинг “Навоий ҳақида”, Бақир Қўбанзоданинг “Навоий — тилшунос”, Мирзо Муҳсин Иброҳимнинг “Форс адабиётининг Навоий ижодига таъсири” мавзусидаги маърузалари барча туркий халқлар адабиётшунослари эътиборини ўзига тортиди ҳамда Навоий асарларини ўрганишга илҳомлантирди. Курултойнинг Ўзбекистонга ҳам таъсири кучли бўлди, хусусан, шу йилнинг ўзидаёқ Абдурауф Фитрат ва Вадуд Махмудийнинг Навоий ҳақидаги мақоалари “Маориф ва ўқитгувчи” газетасида чоп этилди (1926). Курултой руҳи коммунистик мустабид тузум пeshволари учун қутилмаган муаммолар келтириб чиқариши табиий эди. Барча рус шарқшунослари вазиятни тўғрилаш учун зудлик билан сафарбар қилинди. Курултой материалларида акс эттирилган Навоий ҳаёти ва ижоди талқини давр мафкурасига зид деб топилиди; уни тарғиб қилишга жиддий қаршилик кўрсатилди. Е.Э.Бертельс бу ҳақда шундай деб ёзганди: “Навоийшунослигининг ушбу босқичи учун хос бўлган характерли хусусият шундаки, Навоий ҳақида илмий ишларни амалга ошираётганлар фақат миллий буржуазиянинг вакилларидан иборат бўлиб, улар Навоий номидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишни кўзлашган. Шунинг учун ўша даврда

Навоийнинг бевоcита моддий ва маънавий қўмаги остида ўнлаб олимлар турли фан соҳаларида тадқиқот олиб борганлар, айниқса, диний, тарихий, адабиётшунослик ва таъсирий санъат асарларини яратишга алоҳида раббат кўрсатилган. Бутун мамлакат бўйлаб Навоийнинг шахсий ташаббуси ва маблағлари ҳисобидан қўнлаб ижтимоий йўналишдаги бинолар, хонақоҳлар, қарвонсаройлар, рабoтлар, шу жумладан, тўртта мадраса қўриқилди. Ибносия, Шифоия, Низомия каби мадрасалар Ҳиротда барпо этилди (“Мақорим ул-аслоқ”). Уларга машҳур олимлар таълим бериш учун жалб қилинди. Бу даврда математика, астрономия, геометрия, мантйқ, ҳуқуқ(фиқҳ илми), шoҳиётшунослик ва илмнинг бошқа йўналишларида қўнлаб рисоалар дунё юзасини кўрди.

Тарихчи Хондамирнинг “Мақорим ул-аслоқ” асарида Навоийнинг моддий қўмаги билан яратилган йиғирмага яқин илмий асарлар номи, уларнинг муатлифлари рўйхати, аллома ҳомийлигида ижод қилаётган шоир ва олимларнинг исмлари келтирилган. Навоийнинг илм-фан намоёндаларини қўнлаб-ҳуваётлашдаги буюк хизмати ушбу даврининг ўнлаб манбаларида қайд этилган. У мусулмон Шарқида илм-фан ва санъат вакиллариининг ҳомийиси бўлган афсонавий вазир сифатида ном қозонди. Қўнлаб олимлар ўз асарлари дебоҳасида Навоийнинг маънавий ва моддий ёрдамиини миннатдорлик билан эслаб ўтганлар.

Навоийнинг шахсига бўлган қизиқиш ўз давридан бошланган ва бузугача у асло сусаймади. Ҳатто бузуги кунда ҳам буюк сўз санъаткори ва давлат арбобининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ турли ёндошув ва талқинларни учратиш мумкин. Айни шундай мунозараларга сабаб бўлаётган мавзулардан бири Алишер Навоийнинг ўзбек халқига тегишлилиги масаласидир. Мен мазкур мақолада ушбу масала бўйича ўз нуқтаи назаримни баён қилишга ҳаракат қилдим.

нашр этилган асарлар бефойда асарлар бўлиб, уларнинг кўпчилиги гайриилмий ва зарарли эди. Бокуда нашр этилган «Навоий» тўпламига кирган қўнлаб мақолалар эскирган материаллар асосида ёзилган ва асосий масалалар бутунлай нотўғри ёритилган... Аммо СССР Фанлар академияси бу муваффақиятсиз ўтказилган юбилейга дарҳол жавоб қайтарди. Тезда коммунистларнинг таъбири билан айтганда, “социалистик платформа”га асосланган Навоий конференцияси ўтказилди. Мазкур илмий йиғилиш мақсади халқлар ўртасида Боку курултойининг “пантуркистик ғоялар”ини тарғиб этишга тўқсинлик қилиш, Навоийни феодаллар ва руҳонийларнинг ҳукмрон синфига қарши турган оддий халқ вакили сифатида кўрсатиш эди. Конференцияни ўтказиш жойи сифатида Тошкент шаҳри танланиши бежиз эмасди. Зеро, ҳеч бир мамлакатда Навоийни ўзбекистондагидек яхши билишмас ва яхши кўришмас эди. Бунинг исботи сифатида XIX асрнинг охириги чораги — XX асрнинг бошларида кўчирилган Навоий асарларининг сакланиб қолган кичик қисмини мисол келтириш kifоя. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг кўлеммалар фондида сакланаётган асарларнинг 254 тадан 200таи XIX асрда қайта кўчирилган (Ҳакимов). Ҳатто хонлар ҳам максалли равишда фармон асосида Алишер Навоий асарларини кўчиртиргандлар ва тўхфа тариқасида тарқатгандлар! 1709-сонли инвентар рақами остида сакланаётган Навоий терма девони охирида келтирилишича, 1838 йили Кўкон хони Муҳаммад Алихонининг фармони билан олти ой давомида шоирнинг “Чор девон”и 300 нусхада кўчирилган (Муродов). Тузум пешволари Навоийнинг юбилейи (гарчи “социалистик платформа”да бўлса ҳам) Тошкентда ўтказилиши туркий халқлар дунёсига ҳеч қандай эътироз уйғотмаслигини билар эдилар. Шу билан бирга, Тошкент конференцияси Навоий ҳақидаги тасаввурларни коммунистик тузум мафкуравий ўзанига буриб беришга хизмат қилиши зарур эди. Биринчи курултой ғоялари ва миллий гурур туйғуларини билан йўқитилган материалларга қарши турадиган, яъни уларга “пантуркизм”, “ўтмишни идеаллаштириш” каби ёрликларни ёпиштирадиган кучли назарий қарашларни ишлаб чиқиш конференция зиммасига юкланди. Бундай талқикотнинг энг яхши намунаси сифатида В.В.Бартольднинг “Мир Али Шер ва сиёсий ҳаёт” мавзусидаги фундаментал асарини кўрсатиш мумкин. В.В.Бартольд Навоийнинг олдинги талқикотчилари ишлари билан яхши таниш эди. Аммо уларникидан фарқли ўлароқ, у мазкур талқикотда омма тасаввуридан тўбдан фарқ қиладиган Навоий образини яратди. Навоий меҳнатқаш халқнинг вакили, эксплуататорлар, подшоҳ тузумининг шафқатсиз душмани сифатида талқин этилди, айнан шунинг учун султон томонидан қўнлаб азобларга гирифтор бўлган шоир сифатида тавдалантирилди.

XX асрнинг 20-йиллари Алишер Навоийнинг ижтимоий келиб чиқилиш ва мафкуравий дунёқараш юзасидан кечган баҳс-мунозаралар ва муҳокамалар зўравон коммунистлик мафкура галабаси билан якулланди. Бундай ёндашув, маълум маънода, Навоийнинг зиддиятларга тўла ҳаётини нотўғри талқин қилишга, таржимаи ҳолини сохталлаштиришга, ўқувчилар онгида подшоҳ тузумидан норози, исёнкор ва атестен образининг тарғиб этилишига йўл очиб берди. Шу даврдан эътиборан В. Бартольд томонидан тақдим этилган Навоий ҳаёти сценарийси Ғарб ва совет навоийшунослари, жумладан, турк дунёси талқикотчиларига йўналтирувчи вектор вазифасини ўтади.

БОЛАЖОНЛАРГА КИТОБ СОВҒАСИ

Фарзандларимиз тарбиясига муҳим аҳамият қасб этаётган, Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган беш ташаббуснинг мазмун-моҳиятини бутун таълим соҳасида хизмат қилаётган ҳар бир ҳамкасбимиз яхши тушунади, албатта. Гап бу ташаббусларни ҳаётга, таълим ва тарбияга талбиқ этиш, мактабларда, айниқса, бошланғич синф ўқувчиларига расомлик, адабиёт, театр санъати-га қизиқиш уйғотиб, дунёқарашини кенгайтириш, дилини ўстиришда. Негаки, бу йўналишлар болада фикрлаш қобилиятини уйғотди.

Мен ўз тажрибамдан, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, ҳар бир талбирни ўйин усулида, амалий машғулотлар тарзида бевоcита ўқувчилар иштирокида ўтказаман. Улар расм чизиш орқали она табиат ҳақида маълумот оладилар, шеър ва қўшиқлар орқали қалбларида меҳр-муҳаббат уйғонади. Саҳна кўринишлари таъсирида воқеликни англаш борасида қўнқима ҳосил қиладилар.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, болаларни бу ишларга жалб этишда юзакчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Ёлгон тасаввурлар уйғотиш бола феъл-атворини ўзгартириб юборади. Ҳавоий гаплар, сохта хатти-харақатлар, дабадабозлик — буларнинг турган-битгани ёш қалбларга салбий таъсир кўрсатади. Ҳамма маълумотлар аниқ мисоллар ва кўргазмалли ашёлар орқали уларга етказилиши керак. Сўнгги пайтда болалар учун мактабларга китоб совға қилиш аънаанага айланди. Бу яхши, албатта. Бошланғич таълим мутахассиси сифатида шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, улар учун фойдали, керакли, сифатли адабиётлар тақдим этилиши лозим. Аксинча, катта ёшдаги китобхоналарга мўлжаллаб ёзилган адабиётларни кутубхоналарга жойлаштириб, уларни ўқишга даъват этсак, ўқувчининг руҳиятида китобга нисбатан қизиқиш сўнади. Чунки улар бундай китобларни ўқишга, те-ран мушоҳада юритишга хали тайёр эмас.

ТИЛНИНГ АДАБИЙЛИГИ НИМАДА?!

Ўтган асрнинг 20-йиллари аввалида ўзбек тилининг грамматик қоидаларини ишлаб чиқиш жараёни баҳс-мунозаларга бой бўлган. Тилнинг адабийлиги учун унинг арабийлиги шарт, деган даъвога Абдурауф Фитрат қатъий қарши эди. У тил ва имло курутбойида (1921 йил) сўзга чиқиб «тилимизнинг адабийлиги арабийликда эмас, ўзидадур» дея таъкидлаган. Фитрат тилшуносликка доир «Сарф ва наҳв» асарларини ёзди, араб ёзувиға миллий руҳ бериб, уни ўзбек тилининг талаффуз меъёрлариға, қонуниятлариға мослаштирди. «Тилимизни ёт сўзлардан қўлдан келганча тозаламоқ керак. Тилимизнинг қоидаларини тузмоқ, эски адабиётимиздан пойдаланмоқ учун улуг адибларимизни йиғмоқ, халқ адабиётимизни ҳам халқ сўзларини тўпламоқ керак», деб ёзади адиб. Ўзбек тили тақдири учун қайғуриб яшаган Фитратнинг тилшуносликка доир тадқиқотлари ҳозир ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бирок Фитрат ва унинг тарафдорлари тушунган «ёт сўзлар» орасида муштовз шоирларимиз қўнлаган дурдона сўзлар ҳам кам эмасди. Чунончи, ҳазрат Навоий ва Мирзо Бобур асарларида қўп учрай-диган айрим сўз ёки иборалар асл ҳолида эмас, ўзгарган шаклда ўзбек адабий тилидан ўрин топти.

Ўша даврда “футуризм” деган оқим пайдо бўлган, унинг таъсирида айрим зиёлиларимиз маълум даражада маданий меросни инкор этиб, эски санъатнинг аънана ва услублари ўрнида замонга мос янги услуб яратмоқчи бўлишган. Тил соҳасидаги «халқчиллик ва демократизм» ниқоби остида примитивизм(тилини соддалаштириш, оддий баён)га йўл очилди. Бу муштовз адабиёт ва янги давр адабиётининг бир-биридан узоклашувиға, такомилга етган туркий ва ўзбек адабий тилининг бир-биридан маълум даражада бегоналашувиға олиб келди, ўзбек тилиға сингиб кетган бир қатор сўзлар «арабизм» баҳонаси остида адабий тилдан суриб чиқарилиб, уларнинг ўрнини маъносиз, талаффузи ҳам ноқулай терминлар эгаллади. Шунингдек, «халқ сўзларини тўпламоқ керак» дея бир қатор сўзларнинг шевадаги вариантнини ҳам қўллаш давом этди.

Халқ жоили тилининг нақадар муҳим аҳамиятга эгалитини биламиз. Адабий тил баробарида бадийи тил мавжуд фикр шева ё лаҳжада ифодаланган асар «аҳрамон»ини тушунмас бўлади. Аммо ёзилда (ёзма баёнда) адабий тил меъёрлариға ривож қилишимиз керак.

Маълум ҳудудларға хос оғзаки нутқда «ф» харфи «п» деб талаффуз этилиши маълум. Айрим зиёлиларимиз эса «ф»нинг адабий тилда ҳам «п» бўлиб қолиши тарафдорли эдилар. Масалан, юқорида келтирилган иктибосда Фитратнинг «фойдаланмоқ» эмас, «пойдаланмоқ» деб ёзганини кўрамиз. Шу қаторда унинг «Тилимизнинг адабийлиги ўзиладур» мақоласида «Васийи», «пор», «пайласуф», «маорип» каби сўзларға дуч келамиз. Кейинчалик «ф» қўп сўзларда ўз ўрнини топган бўлса-да, айрим ифодаларда «п»лигича қолди: парвойи палак, чархпалак... “Фанд” — «панд»га, “футур” — «путур»га айланди.

Тўғри, сўз заргарили имкон қалар аслият меъёрлариға ривож этишган. Масалан, Абдулла Қасҳорнинг «Шохи сўзана»сида ўқиймиз: «Раҳбар томоғига зўр бердим, обрўйидан футур кетгани бўлади». Бирок бугун «Андишаға пугур етдим...», деб ёзамиз.

Изоҳли луғатларда «панд»сўзининг икки (алдамок ва насихат) маъноси шарҳланган (русчаси обманут ва наставление). Ҳолбуки, «панд» икки маънони ифодалувчи сўз (омоним) сифатида муштовз адабиётимизда учрамайди. Бу сўз насихат, йўл-йўриқ кўрсатиб айтиладиган гап, маслаҳат, ўғит... каби маъноларни беради, ҳолос. Адаштириш, алдамок, фириб эса «панд» эмас, «фанд» бўлади. «Алдамоқ» маъносидати «панд» бутунги адабий тилда мустаҳкам ўрин эгаллаб, «фанд» ўзбек тилининг имло ва изоҳли луғатларидан чиқиб кетди.

Талаффузи осон бўлсин, дебми айрим сўзларғади харфлар кискартирилди. Масалан, саҳл сал, меҳриғиёх меҳриғи-

ё бўлди. Оғзаки нутқдаги «нак» (русчаси как раз) адабий тилда ўрин эгаллади, «нак» билан «нақд» (русчаси наличный), орасидаги фарқка ҳам ривож қилмайдиган бўлиб қолди. «Ваё» (русчаси повод, причина)ни ҳаммамиз тушунамиз, аммо бу сўзнинг тўғри шакли «ваёж» эканлигига эътибор бермаймиз.

Йиғирманчи-ўғтигинчи йилларда «сь» (айириш белгиси, араб айлифбесида «ай»)нинг ўзи керакми, деган савол ўртага қўйилди. Жума, мавзу, вазият, масала каби ўнлаб сўзлардан «сь» олиб ташланди. «Нафъ»нинг «наф»га айланмоғидан нима фойда, деган ҳақли эътироз ҳавода муаллақ қолди.

Салкам бир аср муқаддам йўл қўйилган бу ҳатотик бутунги кунда ҳам ўзбек тилининг тоза, раван ва маънодорлигига ҳалал бермаяптими? Бир тилшунос олим ойнаи жаҳондаги чиқишда: «Б» арабларда балки тирик овоздир, бироқ ўзбек тилида мен уни ўлик овоз ҳисоблайман», деди. Ҳолбуки, «ь»нинг ҳам харф, ҳам овоз (ярим овоз) сифатида ўзбек тили ва адабиётда ўз макёи бор. Қолаверса, ўзбек адабий тили (шу қаторда, форс тили)нинг маълум фонизини арабча сўзлар ташкил этиши қундай равшан. Хайриятки «маъно», «маъсул», «шуъла», «каъзо» каби сўзларда «ь» ўз жойида қолди. «Б»дан бутунлай воз кечсак, адабий тил зарар кўрмайдими?

Эски луғатларни варақлаб, «мўъжиза»нинг мим, айи, жим, зе ва сўз охирида «а»ни ифодалувчи «же» («жавваз «же»си) билан, «мўъжиза»нинг эса мим, вов, жим ва зе харфлар билан ёзилганиға гувоҳ бўлди. Аслиға ривож этилган бўлсак, «мўъжиза» эмас, «мўъжаз» ёзишимиз мақсадға мувофиқ экан. Шунингдек, «эъжоз» ва «ожоз»нинг ҳам фарқига боришимиз даркор. «Эъжоз» билан «мўъжаз» бир хил маънони, «мўъжиза» ва «мўъжиз» эса муғлақо бошқа бир маънони ифодалайди. Кўриб турганимиздек, битта харф (ь) маънони бутунлай ўзгартириб юборапти. Айириш ёхуд тутук белгиси, базилар ўйлагандек, ўлик харф ё овоз эмас.

Муштовз адабиётимиз дурдоналари ҳамма даврда ҳам қўл етмас чўкки бўлиб кўринаверди. Муштовз адибларимиз ўзбек тилини улуглабтиға қолмай, бадийи сўзни юксак поғонаға кўтардилар, айримлари «малик ул-қалом» деган шарафли унвоғга сазовор бўдилар. Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк»идан тортиб Муҳаммад Ғиёсиддиннинг «Ғиёс ул-луғот»ига қадар яратилган луғатлар, айни дамда, бебаҳо хазина. Алишер Навоий асарлари тилиға доир 1983 — 1985-йилларда чоп этилган (тўрт жилли) изоҳли луғатнинг ҳам аҳамияти улкан. Маъно баробарида айрим сўзларнинг қандай ёзилишини биллиб олиш учун ҳам имло ва изоҳли луғатларға эҳтиёж сезамиз. Ҳар бир сўз фақат тўғри шакли билан луғат бойлигиниз таркибидан жой олиши, ўзбек адабий тили имлоси, ўзбек тили изоҳли луғати фақат маънодор сўзлар маъмуаси, ривож этилиши шарт ва зарур бўлган адабий тилининг «конституция»си бўлиб қолишини истардим.

Муҳаммад ШОДИЙ

МЕНДА ФИКР БОР

Бола табиатини тўғри англаш, уларнинг характеридаги турли-туманлиқни илғаш ва шунга мос тарзда муомала қилиш зарур. Бошланғич синф даврида бола характери шаклланади. Синфдаги муҳит, ташқи таъсир унинг шахсий менини ўзгартиради. Шу даврда ўқувчи қўлида унга кўмак берадиган замон талаблариға мос ўқув дастурлари ва қуроалари бўлгани маътуқ. Булар адабиёт дарслиги бўладими, математик ҳисоб-китоб усуллари бўладими, табиатни англашға кўмаклашувчи предметларми — ҳаммаси бола онгида яхши фазилатларни шакллантиришға хизмат қилиши керак. Демак, мактаб кутубхоналарини шундай адабиётлар билан бойитиш мақсадға мувофиқдир.

Шахноза МИРЗАЎЛДОШЕВА,
Чинноз туманидаги 22-умумтаълим
мактаби ўқитувчиси

Атоқли адиб Ойбек таърифи билан айтганда: "Бадий маданиятнинг биринчи вакиллари халқ шоирлари — бахшилар" эканлигига шак-шубҳа йўқ. Дарҳақиқат, бахши халқ терма ва достонларини ижро этувчи, авлоддан авлодга етказувчи, юксак профессионал тайёргарликка эга бўлган санъаткорлар. Бахши халқ қувончию орзу-умидлари билан ҳамнафас яшовчи ижодкор. Шукрки, мустақиллик йилларида улар ижодини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 1999 йили "Алломиш" достонининг 1000 йиллиги халққа миқёсда ўтказилгани, "Ўзбекистон халқ бахшиси" унвонининг таъсис этилгани, 2018 йил 26 апрелдаги Вазирлар Маҳкамасининг "Бахшичилик ва достончилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2019 йил 14 майдаги "Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорлари бунинг ёрқин далилидир.



АТОҚЛИ ЎЗБЕК ХАЛҚ БАХШИ-ШОИРЛАРИ

ИЖОДКОР НАЗАР ИТТИ, ЭЖОДКОР НАЗАР ИТТИ, ЭЖОДКОР НАЗАР ИТТИ, ЭЖОДКОР НАЗАР ИТТИ, ЭЖОДКОР НАЗАР ИТТИ

БАХШИЧИЛИК КАМОЛОТИ ЙУЛИДА

Айниқса, Халқаро бахшичилик санъати фестиваллари ўтказиш тўғрисидаги қарор асосида 5-10 апрель кунлари Термиз шаҳрида бахшилар халқаро фестивалнинг ўтказилгани ҳамда унга халқаро мақом берилгани, дунёнинг 74 мамлакатидан вакиллар катнашганининг ўзиёқ ушбу санъат бўлган кизиқилишнинг дунё миқёсда ортиб бораётганидан далолат беради. Фестиваль жараёнида "Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни" мавзусида ўтказилган конференцияда бахшичилик ва ижро санъатининг амалий-назарий томонларини жаҳон миқёсда ўрганиш ва таҳлил қилишнинг янги имкониятларига йўл очилди. Кўплаб амалий тадбирлар, бахши-шоирлар ижодини тартиб қилиш, уларнинг репертуаридан дoston намуналарини ёзиб олиш ишлари бошлаб юборилди. Умир шоир Сафаров ва Мардонакул Авлиёқул ўғлининг "Алломиш", шунингдек, "Малла савдогар", "Шерали", "Қодир бахши ҳақида достон", "Олтин қабак" каби достонлар илк бор чоп этилди. Бугунги кунда ўзбек халқ достонлари жаҳоннинг турли тилларида чоп этилмоқда. Термиз шаҳрида бахшичилик маҳорат мактабининг ташкил этилгани, болалар мусика ва санъат мактабларида бахшичилик санъати бўйича машғулотлар олиб борилаётгани ёш авлоднинг бу санъат ҳақидаги кўникма ва малакаларини шакллантирмоқда.

Гарчи бахшичилик санъати республикаимизнинг турли ҳудудларида жонли жараёнларда у ёки бу ҳолда яшаб келган бўлса-да, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм воҳаларида жонли оғзаки ижронини сақлаган ҳолда давом этмоқда. Қора ва Чори Умировлар, Хушвакк Мардонақулов, Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Қаҳҳор ва Абдумурод Раҳимовлар, Қаландар Норматов, Шодмон Хўжабердиев каби бахшиларнинг сазй-шаракати, ижрочилиги ва ижодкорлик маҳоратлари ҳамда шоғирд тайёрлаш аъёнларига риоя қилишлари натижасида бу соҳа янгича талқинлар билан янада жонланмоқда. Бугунги кунда бахшилар репертуарида терма ижодкорлигининг ортиб бораётгани, ёшлар ўртасида термаларини ижро этишга иштиёқ ривож топаётгани боис замонавий термаларга бўлган ҳавас ҳам ортиб бормоқда. Бахшилар янгича талқинларда халқ ҳаётининг муҳим воқеаларини жўшиб қуйлаётган бўлса-да, ижро билан боғлиқ баъзи ўзгаришлар ва ечимини қўтиб турган масалалар ҳам юзага чиқиб қолмоқда. Жонли оғзаки жараёнларда аъёндан узил-ли, бахши ижроси ва достонлар матида курамалик ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Мисол учун Қашқадарё воҳасида ўттиздан зиёд бахши мавжуд бўлса-да, кўпчилиги дoston ижро этишга мос терма айтиш билан

кифояланиб, ўзини дostonчи ёхуд бахши деб ҳисоблайди. Ҳозир бахшичилик даъвогарларнинг кўпчилиги бир пайтлар донг таратган отахон бахшилар томонидан қуйланган аъёнавий дostonларни тўлиғича, талаб даражасида билмайди. Бахшичилик санъатида аъёна ва бадиҳага муносабат кўникмаларини нисбатан сақлаб қолиш, аҳолининг жонли ижрога кизиқилишнинг янада қучайтириш мақсадида баъзи мулоҳазаларни таклиф этсак. Биринчидан, оммавий ахборот воситалари — телевидение ва радиоларда бахшилар ижросидаги дostonлардан намуналар мунтазам бериб борилаётганда дostonларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари, образлар тизими, тарбиявий аҳамияти соҳани яқиндан билган мутахассислар томонидан

шарҳлансагина, тингловчиларнинг бу санъат ҳақидаги тушунчалари кенгайиб боришига имкон яратилади. Иккинчидан, бахши-шоирлар кўрик-танловлари фаолиятини жонлантириш ва бунда кўпроқ ижро ва бадиҳага эътиборни қучайтириш лозим. Бахшидан ўзи билган дoston ёхуд термаларини эркин танлаб айтириш эмас, балки маълум ва машҳур дostonлар, масалан, "Алломиш", "Тўғрўл", "Қунгўмиш" каби намуналар воқеаларидан парчаларни талаб даражасида айтиш кўникмаларини шакллантириш орқали дoston матнларини ёд олдиришга эришиш мумкин.

Қолаверса, бугунги кунда бахшилар учун кенг имкон яратилгани, бахшиларнинг саводхонлиги, чоп этилган дoston матнларини ўзлаштириш имкони борлигидан келиб чиққан ҳолда дostonчилик сирларини оғзаки ўрганиб, устозлик мақомига эга бахшиларга ҳаваскор бахшиларни бириктириш яхши натижа беради. Устоз бахшилар шоғирдларига дoston ижро этишининг ўзига хос усул ва йўлларини, соз ва сўз ижрозчилиги, аъёна ва бадиҳанинг ўрни масалаларини ўргатишлари зарур.

Шунингдек, Сурхондарё вилояти билан бир қаторда Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ҳам бахшичилик мактабларини йўлга қўйиш зарур. Ташкил этилган бахшичилик синфлари ва мактабларда устоз бахшилар, олимлар, мутахассислар ҳамкорликда ишлашини йўлга қўйиш ва ўқувчиларга дoston ижро этиш, дostonларнинг назарий муаммолари ҳақида тушунтириш ишларини амалга ошириб бориш лозим.

Агар ишлар тизимли равишда олиб борилса, бахшичилик санъати янгича талқинлари, янгича ижро шакллари билан авлодларга хизмат қилишда давом этади.

Насим ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди, доцент


Юртимизда цирк санъатига қизиқмайдиган, аренада кечадиган ҳаяжонли воқеаларни кузатишни хоҳламайдиган одам топилмаса керак. Зеро, цирк санъатлар ичида энг ҳаяжонли соҳа экани билан ажралиб туради. Томошанинг энг оммабоп тури бўлган ўзбек цирки усталари бугун нималар билан банд, соҳа вакиллари олдида қандай вазифалар турибди. Шу ҳақда "Ўзбек давлат цирки" давлат муассасаси директори Рустам МАЖИДОВ қўйидагиларни гапириб берди:

ҲАЙРАТ МАСКАНИ

— Цирк санъати мураккаблиги, жозибалилиги, мафтункорлиги, нозиклиги билан ажралиб туради. Масалан, дорбозлик, акробатика, чавандозлик, ҳаво гимнастикаси, спорт гимнастикаси ва бошқа йўналишлардаги цирк дастурларини яратиш, ижро этиш цирк артистларидан чаконликини, доворакликини, зийракликини, қўлмагаанда юзага келадиган ҳолатларда ноқулай вазиятдан тезкорлик билан чиқа билишини тақозо этади. Цирк томошаси вақтида ёки машқлар жараёнида бажарилаётган ҳар хил ўйинлар вақтида артист томонидан йўл қўйилган кичик хато ҳам

Шу кунгача пойтахтдаги цирк майдонида намойиш этилган тўқсонга яқин томошага 61 мингдан ортиқ муҳлис жалб этилди. Ҳайвонлар ва парандалар билан ишлаш энг мураккаб жараёндир. Чунки уларнинг табиий ҳаракатларини бажаришга ўргатиш ўргатувчилардан машаққатли тинимсиз меҳнатни, сабр-қаноатни, қуч-гайрат ва маҳоратни талаб қилади. Улар Ҳайвонларни давомий, муттасил бўйсунди-


ЦИРК САНЪАТИ



одамга шикаст етиши билан экунлашиш мумкин.

Шу маънода бугун Ўзбек давлат цирки усталари ўз вазифаларини барча талабларга риоя этган ҳолда сидкидидан бажариб келишаётганини мамнулик билан эътироф этиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қўмағида ўзбек циркининг 2019-2020 йиллардаги тадбирлари режаси ишлаб чиқилди ва кундалик фаолиятга тадбиқ этиш жараёнлари юқори савияда олиб боришмоқда.

Хорижий давлатлар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида цирк раҳбарияти томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Россиянинг "Драйв" гуруҳи, "Дельфин Шоу", "Африкадан ташриф буурган меҳмон" каби дастурларда цирк усталари Тошкент циркида маҳоратларини намойиш этиб, томошабинларга завқ улашдилар.



риш асосида янги дастурлар тайёрлаб, ўз мақсадида эришадилар. Йирткич ва экзотик Ҳайвонлар билан цирк манежиде турли ўйинлар кўрсатиш вақтидаги ёш томошабинларнинг қувончини таърифлашга сўз ожизлик қилади. Шу ўринда Ўзбекистон халқ артисти Ҳ.Зарипов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист О.Давлетова, А.Абдуллаев, О.Хусанов, Р.Шагив, А.Чепрасов, Т.Ҳақимов, А.Ҳўжаев каби Ҳайвон ўргатувчиларнинг ўзбек цирки ривожига қўшган ҳиссаларини алоҳида таъкидлаш ўринали. Р.Ҳаматовлар оиласининг "Ҳаво гимнастикаси", К.Аназаровларнинг "Роликли коньки", А.Алиевларнинг "Арқонли канат", Юнусовларнинг "Гимнастика", В.Галактионовларнинг акробатика, В.Ҳоликназаровларнинг жонгльерликда кўрсатаётган маҳоратлари халқимизга завқ шавқ улашлаб келмоқда. Артист А.Қононов "Олов" шоуиси билан томошабинларни Ҳайрат-

нувчиларига цирк томошалари намойиш этиб келинмоқда.

Албатта, ютуқлар билан бир қаторда узоқ йиллардан бери ечимини қўтиб келаётган муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд. Аввало, шунини айтиш керакки, циркда реконструкция ишлари бошланганига анча бўлди. Шу кунгача бир қанча ишлар амалга оширилди. Циркининг моддий-техник базасини яратиш, замонавий электрон аппаратуралар билан жиҳозлаш, "Шапито" қўчма циркини автотранспорт воситалар билан таъминлаш, цирк дастурларини кенг омма ўртасида тарғибот қилиш, реклама ишларини қучайтириш каби муаммоларга Маданият вазирлиги ёрдамида ечим топиш чоралари изланмоқда. Яна бир муҳим янгиллик шундаки, Ҳозир 2020 йилда Тошкентда халқаро цирк фестивали ўтказиш бўйича ташкилий ишлар бошланиши арафасида турибди. Ҳўллас, ўзбек циркида бугун жараён қизғин давом этапти.

НАСИБ ЭТСА, КЎРАРМИЗ

Давлатимиз раҳбари томонидан таклиф этилган бешикта ташаббуснинг биринчисида санъатининг мусиқа, театр каби турлари қаторида рассомлик санъати ҳам тургани бугун юртимизда ёшларнинг таъсирли санъатга қизиқишларини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Айни кунларда барча олий ўқув юртилари қаторида Миллий рассомлик ва дизайн институтида ҳам абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш жараёни қизғин давом этмоқда. Ўзбекистон халқ рассоми Жавлон Умарбеков ижод баробарида мазкур даргоҳда талабаларга сабоқ ҳам беради. Устозга илк саволимиз бу йилги қабул жараёнида истеъдодларни таниб олиш тартиблари қандай кечаётгани ва ижодкор сифатида нималар билан банд экани ҳақида бўлди.

— Биласизми, илгари бу олий ўқув юртида ижодий ишлар саралиш босқичидан ўтган, ижодий имтиҳонга руҳсат бериладди. Бу синодан ўтганлар тест саволларига қиритиларди. Бу жараёнда ижодий имконияти бир қадар саёз бўлса-да, тестдан қўп бал тўплаган абитуриент ўқишга қирарди. Ўтган йилдан бошлаб фақат ижодий имтиҳон орқали қабул қилиш амалиёти жорий этилган. Очиги, бу жуда яхши натижага берди. Ҳақиқий истеъдод эгаларида кенг йўл очилди, десам бўлади.

Бу йил битирувчилар орасида менинг курсимда етти талаба диплом иши ёклади. Уларнинг барчаси ўзлари танлаган йўналиш бўйича ўқишни кўнгилдагидек якунладилар. Талабаларга ўзлари танлаган иш юзасидан маслаҳатлар, йўл-йўриқлар бериш билан бир қаторда, ижодий режаларини устидаги ишларни ҳам давом эттирдим. Маълумки, пойтахтимизда Ислом цивилизацияси маркази бунёд этилганди. Айни пайтда шу марказ учун Ибн Сино, Заҳриддин Боғур, Махмуд Қошғарий, Хусрав Дехлавий каби алломаларнинг портретларини яратиш устида изланиш олиб бораямиз. Бу жуда мураккаб жараён. Ақсарият алломаларнинг асл қиёфаларидан бекаримиз. Улар орасида Ибн Сино ҳақида манбалар кўпроқ, Ҳусайн Бой-қаро-нинг автопортрети ва

Қамолиддин Бехзода томонидан яратилган Алишер Навоийнинг ҳасоат таянчидан асарини ҳолиҳол. Шунинг учун кўплаб манбаларга мурожаат этиш, изланишга тўғри келади. Ва, албатта, бундай жараёнда рассом фантазияси ҳам зарур. Ҳўллас, бу жуда масъуляти, шу билан бирга кизиқарли жараён. Биласиз, ўтмишда, аждодларимиз кўёфасини яратиш мени ҳаминша ўзига тортиб келган.

— Дарҳақиқат, "Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг ёшлиги" асарингиздан бошлаб,

РАССОМ УСТАХОНАСИДА

яна кўплаб буюк аждодларимиз қиёфаларини таъсирлаган асарларингиз нафақат халқимиз, балки жаҳон оммаси томонидан эътироф этилган. Айни пайтда Тошкентнинг тарихидан ҳам яхши хабардорсиз. Эски шаҳарда, Қайқовус ариги бўйларида болалигингиз ўтган. Баъзан гапирганингизда Эски шаҳарликлар шеваси аралашиб қолади...

— Бу табиий ҳол. Чунки болалик чоғларимда ўртоқларим билан шундай сўзлашиб, талашиб-тортишиб катта бўлганман. Асл ўзбек боласиман, ўз-



бека фикрлайман. Шунинг учун ҳам май ойининг бошларида "vesti.uz" сайтида рус тилида эълон қилинган "Рус тили бизга бегона эмас" деб номланган мақолани ўқиб, муаллифлар орасида исм-фамилияга қўшим тушиб нийҳоятда ажабландим. Очиги, мен бу ҳақда бир неча кундан кейин дўстларимдан эшитдим. Ўқиб чиққан, эса Ҳайрон қолдим. Яна бир нарсани айтиш, розилигимни сўрамай, ўша рўйхатни тузатилардан хафа бўлдим, ҳатто нафратландим.

Эркинлик, демократия, деб одам ўзини ҳар қўйга солиши яхши эмас. Мен қалбан ўзбек рассомиман, шундай бўлиб қолади, ҳам. Ўзбек тили Ўзбекистоннинг ягона давлат тили эканига ҳеч қачон шак келтирган эмасман ва шундай бўлиши кераклигига аминман. Тўғри, рус тилини халқаро муомала тили сифатида ўрганиш ҳеч қимга эён келтирмайди. Бугун фарзандларимиз, инглиз, хитой, корей, араб, форс ва бошқа тилларни ҳам иштиёқ билан ўрганишяпти. Айни пайтда ўзбек тили бизнинг она тилимиз, давлат тилимиз, Маданиямиз, гербимиз, байроғимиз билан бир қаторда ўзбек тили бизнинг фахримиз ва гуруримиз тимсолидир. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Ақинча, бугун ўзбек тилининг мавқени янада кўтаришимиз, уни мукамаллаштиришимиз керак.

Менинг япониялик Ре И Ко исми тадқиқотчим бор. У ҳам рассом, ассистент бўлиб ишлайди. Биз билан ишлаш учун икки ой ичида ўзбек тилини ўрганиб олди. Қўйил қолдим.


Мен ҳаминша япониялик дўстимни мисол келтирмаман. Ва бу менинг унга бўлган ҳурматимни оширади. Она тилимиз қадрини ўзимиз кўтаришимиз керак. Қанийдики, мамлакатимизда туғилиб, тарбия топиб ўсган бошқа миллат вакиллари ҳам шу юртга ҳурмат, эътибор нуктаи назаридан ўзбек тилини ўрганишса. Бундай одамлар кўп.

— Ижод борасидаги режаларингиз ҳақида ҳам билишни истаймиз.

— Ҳозир шундай ёшга келиб қолдим шекилли, умр битикларига қўл ургавман. Ондамизда ўтган аждодларимиздан бошлаб, ҳозирги авлодимиз ҳақида кўрган-билганларимни ёзишга қўл урдим. Бунда, албатта, орада бошқа миллатларга, баъзи воқеаларга тегишли хотираларим ҳам бўлади. Айни пайтда мен учун сеvimли мавзулардан бири Эски шаҳар ҳақидаги хотираларим давом этади. Автобиография жанрида битта катта асар ишлаб, ана шу биргина суратни кўргазмага қўйиш ниятидаман. Насиб этса, кўрармиз...

Г.УМАРОВА ёзиб олди.

ШАРҚ СИРЛАРИ



Пойтахтимиздаги халқаро Маданият қарвонсаройида "Шарқ сирлари" деб номланган кўргазма ташкил этилди. Экспозицияда Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмасининг "Амалий безак санъати" шўъбаси аъзолари Наталья Доманцевич, Дилафруз Демеева, Дмитрий ва Анна Юрьевларнинг ижод намуналари намойиш этилмоқда. Айни пайтда Наталья Доманцевич Ўзбекистон Ёшлар театрида безатувчи (декоратор) вазифасида фаолият юритади. Унинг ижодида қўлчилик ва ҳайкалтарошлик ишлари бир-бирини тўлдириб, ажойиб композицияга айланади. Ижодкорнинг "Александр — Роксанга йўл", "Қайфият" каби туркум ишларида Шаркка хос салобат, қучур мазмун, нафосат мўжассам.

Д.Демеева рангтаъсир, қашта ва намаз матосида асарлар яратди. У намаздан "Шарқ лаззати" номли тўплам яратди ва Новосибирск шаҳридаги амалий безак санъати таловида биринчи даражали лауреат сифатида тақдирланди. "Муқарраб ёлғизлик", "Тун қудрати", "Денгизни қўтиб..." сингари асарларидаги ҳаққоний ҳаёт томошабинларни мулоҳазага қорлайди. Дилафруз қашта йўналишида ҳам ажойиб асарлар яратди. Унинг "Ёнғок", "Лолақизгалдоқ" каби қаштада яратилган композициялари текис тўқилгани ва ранглар нафислиги билан ажаралиб туради. Бир-бирига муносиб жуфтлик Дмитрий ва Анна Юрьевлар устaxonада маслакдош ижодкорлар бўлиб, қўлчилик, батик ва фелтинг билан доимий шугулланиб келадилар. Дмитрийнинг "Шарқ лирикиси", "Ой нуридаги тун" каби қўлчилик намуналарида ранглар, шакллар ва сокинлик томошабинга ҳузур бағишлайди. Аннанинг "Тақдир чизиги", "Қўтилувчи", "Шарқ оҳанги" сингари ишлари унинг нозик дид эгаси эканидан далолат беради. Экспозициядан ўрин олган барча асарлар аъёналар бардавомлигининг ёрқин тимсолидир.

С.КОСИМОВА

АЙТМАТОВШУНОСЛИККА
ҚЎШИЛГАН ҲИССА

Тақдир Чингиз Айтматовни қирғиз ўғлонидан башарият фарзандига, халқини, мамлакатини жаҳонга машҳур қилган улғў ёзувчи ва жамоат арбобига айланганди. Асарлари дунёнинг 191 тилига таржима қилинди, миллионлаб нусхаларда босилди, фильмлар, спектакллар, қатор мукофоту ҳурмат-эътирофлар...



ки тобқо ҳажмидаги мақола-сини адабиётшунослигимиз ютуғи сифатида баҳолашди.

“Чингиз Айтматов – публицист ва мунаққид” китобида атқилиб адиб публицистикаси, жанрлари, мавзулари, муаммолари, маҳорати, унинг мунаққидлиги, санъатшунослиги, у ардоқлаган юртлар, адиблар, санъаткорлар, уни ардоқлаган инсонлар, мамлакатлар, дил изҳорлари алоҳида бобларга ажратиб ўрганилган, таҳлил-ғартирилган.

Муаллиф китоб аввали-

да публицистиканинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий ҳаёдаги аҳамияти ва адабиётдаги ўрни, адибнинг бу йўналишдаги изланиши, юксалиши қандай кечгани тўғрисида сўз юритиб, фикрини далил, мисоллар билан асослаган. Таъкидотчи Ч.Айтматовнинг адабиёт майдонига журналистика зинаояларидан кўтарилиб борганига, ўткир публицистик чиқишлари қўшиларнинг турли-тўрмушига жиддий таъсир кўрсатганига мисоллар келтирди. Хусусан, ёзувчининг “Бу – сизнинг айбонингиз, юртдошлар!” мақоласи шундай асарлардан бири. С.Умиров бу мақолани адибнинг аёл зотиға чексиз эҳтироми маҳсули, дея баҳолайди. Умуман, Чингиз Айтматов асарларида инсон, айниқса, аёл зоти доимий эътиборга, меҳр, марҳаматга муҳтожлиги, хотин-қизларга нисбатан бешиқ-сандлиқ, жоҳиллик, тубанлик экани, бунга тоқат қилиб бўлмаслигига ургу берилди. “Жамла”, “Юзма-юз”, “Сарвқомат дилбарим”, “Оқ кема” киссалари, роман, драмаларидаги аёл образлари бунга далилди.

Китобда адиб публицистикаси мавзуларидан утасига алоҳида эътибор қаратилган. Булар: тинчлик, экология, маънавият мавзулари. “Тинчлик – мавзулар мавзуси, муаммолар муаммоси” номли бобда муаллиф, жумладан, шундай ёзди: “Ҳозир нима ҳақида сўз кетмасин, фикр алмашувларда қайси мавзу кўтарилмасин, ҳозирги замон, дунё ҳамжамияти ҳаётининг энг муҳим, ҳатари масаласи – уруш ва тинчлик масаласига бориб тақалади”.

Китобда Ч.Айтматов япон файласуфи Дайсаку Икэда билан суҳбати ҳамда қозққ шoirи Мухтор Шоҳонов билан мулоқоти (булар интервью-кисса, интервью-роман деб номланган) таҳлили алоҳида ўрин тутди. Таҳлилда Чингиз Айтматовнинг мутафаккир, донишманд адиблтиги намоён бўлади. Мана, атқилиб адибнинг мулоқотидан бир шингил: “Ҳар бир инсон – сўз хонадони ва сўз ҳукмдори. Ҳатто одам Оллоҳга

унинг овозини эшитиш умидида тавалло қилганида, истиффор айлаганида ҳам ўзининг сўзини эшитади. Сўз вужудимизда яшайди. Ўзимиздан узоклашар ва қайтар экан, сўз бизга туғилишимиздан бошлаб, қазойимизга қадар сидқидилдан хизмат қилади, ўзида рухнинг улғўворлиги ва оламнинг буюклигини саклайдики, буни фақат сўз сеҳри-синаоти орқалигина ҳис этиш мумкин, айна чоғда ўзида шахсиятларимизнинг деярли фотографик тасвири олиб юради... Сўзни авайлаш, асраш керак. Сўз тежамкорликни ёқтиради. Агар сўз кечаю кундуз оқиб ётган сув мисоли исроф қилинса, ҳар бир мисқоли қадрланмаса, ўз кучини йўқотари, жонсиз бўлиб қолади... Сўз, агар у бошқалар билан бирга баҳам кўрилмаса, тугайди, ўлади...”.

Чингиз Айтматовнинг китоб инсоннинг доимий йўлдоши, қўлдоши, беминнат қўмақчиси эканлиги, болаликда ўқилган илк яхши китоблар рухнинг шаклланиши, инсон тақдирига ўзгача таъсири, Халқаро китоб илмий тадқиқот институти ташкил этиш бора-сида киритган тақлифи, ёшларга қарата: “Ёшлар, социал инқилобга умид боғламанг, инқилоб – бу исён, кўр-кўрона ақлсизлик, оммавий зуравонлик ва миллат, халқ, жамиятнинг умумий ҳалоқати, биз бунни ҳўп билдик, бошдан ўтказдик, демократик ўзгаришлар йўлларини изланг”, дея оталарча қилган насиҳати С.Умиров тадқиқотида келтирилган айна муддаодир.

Китобнинг “Экология – публицистик оху зори, орзу армони” бобининг мазмуни, мавзу, муаммолари-га сарлавҳанинг ўзи ҳам ишора қилиб турибди. Чингиз Айтматов публицистикасида экология фақат атроф-муҳит муаммоси, ер, сув, ҳаво муҳофазаси билан чекланмайди, айна чоғда, тил экологияси, дил, кўнгил экологияси, маънавият, маърифат, одоб-ахлоқ экологиялари ҳам кенг камров-ли тушунча, бири бирдан долзарб, оғриқли муаммолар. Китобда Бойқўл, Исикқўл, Орол, атроф-муҳит муаммолари ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бошлаб адиб публицистикасининг диққат марказида бўлгани айтилади. Ўша кезларда ёзувчи “Лисоний коинот”, “Она тили мўъжизаси” мақолаларида истеъ-молчилик пойгаси авж олаётганидан, оммавий мада-ният вируслари урчиётганидан, қадриятлар қадри-занаётганидан ҳавотирини мисоллар билан далилла-гани таъкидланади.

С.Умиров адибнинг олтинчи йил давомда жур-налистика қозонида қайнаганини, фавқуллода вазиятларда жамоатчилик Айтматов нима дер экан, дея қўтиб тур-ганида устоз ўткир мақола, интервьюлар билан чикка-нини алоҳида эътироф этади. Ушбу ҳулосанинг муал-лиф “Ақл-идрок ядро қурувида”, “Қайғуда тиз қўкиб, нафратда тик туриб”, “Қайта қуриш, ошқоралик – омон-лик дарахти”, “Жаҳаннам узра қарғалар фарли”, “Биз этник худбинликини енгишимиз керак”, “Заминга зил кетяптими?” каби мақолалар таҳлили орқали асослайди.

Бир сўз билан айтганда, “Чингиз Айтматов – пуб-лицист ва мунаққид” китоби мунаққид, публицист Сайди Умировнинг айтматовшуносликка қўшган му-носиб ҳиссаси, дейиш мумкин.

Абдулла УЛУГОВ,
филология фанлари номзоди

Қайси ишга қўл урмай, албатта, чуви чиқади. Кирақашлик қилдим, ўх-шамаяди, олиб-сотдим, банкрот бўдим, сартарошлик қўлимдан келмади. Ғишт тердим, лаққи эшитдим, сувоқ қилдим, қўчиб тушди, уй қўтардим, босиб тушди. Бир дўстим фақат табиблик билан машғул. Доим ошиғи олчи. Яна “би-рортаси бемор бўлса бизга рўпава қил-улушнинг чикариб бераман”, дейди.

Бир кунни унинг ҳатти-ха-ракатларини кузатдим. Дангал келиб, беморнинг томир уришини санайди. Сўнг: “Мана бу бонкадаги сувни ича-сиз, яна бир келасиз, шифосини ярат-гандан сўранг”, дейди-да пулни чўн-такка уради. Бир соатга қолмай қўни ҳам пулга тўлади. Одам қилган ишни одам қилади-да. Шу иш билан бир шўғулланиб кўрсаммикин, деган ҳаёл билан юганимда, танишлардан бири шикоят қилиб қолди.

— Бормисан биродар, хол сўрашга-ям ярамайсан-а.

— Ҳа, ўртоқ, нима, мазанг йўқми дейман?

— Эй, биродар нимасини айтасан. Жазирамада яхдек сувни мазза қилиб томиқлавериб томоқни олибман. Томақ тақа-тақ ёпилган. Оғиз ҳеч қандай мазза-ни сезмайди. Хўлас, азобда қолдим.

— Бирор давосини қилдингми?

— Бормганим биргина табиб қолди.

“Раҳм қилса қулига – чиқариб қўяди йўлига”, дейишгани шу бўлса керак-да.

Хўш, биздан ҳам зора табиб чикса де-дим-да, таваққалига ишни бошлаб юбордим.

— Қани, оғзингни оч.

— Ўзи бирор нарсанга ақлинг етганими?

— Бу нима деганинг. Айтишларича бобомнинг бобоси Қалон табиб номи билан машҳур бўлган экан. Бизга ҳам оз-моз ўтган жойи бордир. Вой-бу, роса бўладигани бўлибди-ку, шундай деб би-лагини ушладим. Томир уриши ҳам тез.

Хўш, бу дарднинг давоси оддий ёнғоқ. Ўзи умрингда ёнғоқ ютганим-сан? Менимча, йўқ. Агар ютган бўл-ганимда ҳозир бунақа дардга қалинмаган бўлар

— Аниқми, ахир?
— Биродар, дўст шундай вақт-да керак-да. Дарддан қутилай десанг, бўлақол жўражон.

Болтабой орқа томоркага чиқди-да, ёнғоқ дарахтини излай кетди. Мана, ёнғоқ экан. Бир эмас, тўрт-беш дона ёнғоқ доналарини қўлга олиб, ўйга толди. Бу ёғи қизик бўлди-ю. Ёнғоқ доналари теннис коптогидан сал қатта-роқ эди.



эдинг. Хўлас, ёнғоқнинг гўрасидан ютилса, йил бўйи умуман томоқ оғриқ ҳам, томоқ қичиши ҳам бўлмайди.

— Ёнғоқни қандай ютаман?

— Ҳозир, ҳозир. Нима эди-я. Ҳа, эсладим. Ҳозир ёнғоқлар гўра бўлган пайт. Унинг икки-уч донасини оласан.

Кечаги ёмғирдан сўнг ювиш ҳам унчалик шарт эмас. Йодга бой қисми асли пўс-тида бўлади. Хўлас, икки-уч донасини оласан-да, бутунча ютасан. Шу билан дард сен кўр, мен кўр бўлади-қолади.

— Жўражон, бунни қандай ютаман?

— деди қўлидаги ёнғоқ доналарига ишора қилиб.

— Аслида бутун ютиш керак эди-да, менимча. Лекин чайнаб-чайнаб юта-вер. Шунақа қилса, тезроқ ўз кучини кўрсатади.

У нима бўлса бўлди, шифо топсам бас, деди-да, бир эмас, тўрт-беш дона ёнғоқ гўрасини чайнаб ютиб юборди.

Қўзлари ёшланиб, атроф қоронғила-шиб кетди.

— Бунчалар захар бўлмаса. Майли, чидайман. Шу дарддан қутилсам бўл-гани. Агар тўзалиб кетсам, ҳар йили дард бошланмасдан олдин ёнғоқ ютга-ним бўлсин.

Эртаси кун Болтабойнинг аёли қў-лида сумкада бир банка қатик, яна бир нималар олиб шовшанча йўлда учиб борарди.

— Келин, кайфиятигиз чатоқроқ, шовиш қайта кетаялсиз? — сўрадим ўсмоқчилаб.

— Кеча оқшом жўрағизнинг мазза-си қочиб қолди. Ҳозир шифоҳонада бир ахволда ётибдилар. Дўхтирлар ичка-ларини ювиш керак, бўлмаса кетиб қо-лиш мумкин дейишяпти. Ўзи томоқлари оғриб тургани. Энди нафас олишлари ҳам қийинлашиб, гапларига ҳам ту-шунмай қолдик. Бутун ички аъзолар захарланганимиз. Қайсида чала табиб гўра ёнғоқдан есанг тузаласан, деган-миш. Лақма эр тушмагур ўша қасофат-нинг гапига кириб, ёнғоқ ебди. Эртала-бгача ана кетади, мана кетади, қилиб қикдик. Агар қим айтганини билсам борми, ўша чала табибни тутилганига пушаймон қилдираман, қасофат!..

— Хай-хай, келин ундай деманг, шифосини берсин дег.

Ёнғоқни оз-оздан сув билан ютиш ке-рак деб айтганимдими, йўқми? Ишқилиб оёққа туриб кетсин-да, бўлмасам, олди-ри бўлади. Тезда бориб бўлганим, ҳиз-рини олмасам қатта жағалга айланиши турган гап, дедими оёғимни қўлимга олиб, қасо-ғона томон югурдим. Йўлда кетаяман-у, бир фикр ҳеч тинчлик бермайди. Таби-бликни ҳам улдасидан қикмадим-ов...

Асрор СУЛАЙМОНОВ

МУҲЛИСЛАРГА
ЗАВҚ УЛАШИБ

Жамиятимиз маданий ҳаётида Ўзбекистон давлат филармонияси, унинг қошидаги бадиий жамоаларнинг ўзига хос ўрни бор. Улар маънавий бойлигимиз — куй-қўшиқлар, ашула, рақс, шу билан бирга санъатнинг дунё тан олган барча турлари ижроси билан шугулланади. Албатта, ҳар бир жанр, созининг моҳир усталари бўлгани каби, уларнинг ўз муҳлиси ҳам бор.

Зукко, диди нозик томошабин-лар устозлардан меҳор бўлиб қо-лан, бугунги кунда ҳам жозибасини йўқотмаган ранг-баранг мусикий асарлар, мақомларимиз, қатта ашу-лаларимизни берилиб тинглайдилар, яққа ва оммавий рақсларимиз-ни завқланиб томоша қиладилар.

Жорий йилда Филармония тар-кибидаги бадиий жамоалар уч юз-дан зиёд маданий-маърифий кон-церт ва томошаларда, мамлакат миқёсидаги анжуманларда ишти-рок этди. Унинг худудий бўлин-малари ҳам бу борада ўз фалон-ли билан ажралиб туради. Яқинда “Халқ чоғулар ижрочилари”нинг республика кўрик-танловида жамо-аларимиз созандалардан 12 нафа-ри қатнашди. Режага кўра ўтказил-ган “Баҳор нафаси” халқаро санъ-ат фестивали доирасида “Дўстлик концертлари”, “Маҳорат дарслари” ва таникли дирижёрларнинг чи-қишлари, халқ чоғу оркестрлари ва ансамблларининг “Наврўз садо-лари” халқаро фестиваллари мух-лисларда яхши таассурот қолдир-ди. Бу талбирларда Тожикистон, Қирғизистон ва Қозғистон Рес-публикаларидан мусиқа ва санъат мактаблари, ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат мактаб-интер-нати ўқувчилари, ансамбль ва ор-кестрлари ҳам иштирок этди. Мух-лисларга маълумки, юртимизда бешинчи марта “Халқаро жаз фе-стивали” ўтказилди. Галдаги тал-бирда тўққиз давлатдан таникли мусиқачилар ва жаз гуруҳлари ўз санъатлари билан муҳлисларини мамнун этди. Мумтоз ҳамда про-фессинал мусиқа ихлосмандлари жорий йилнинг 18-27 июнь кунла-ри Нукус, Хива, Термиз, Қарши, Шахрисабз шаҳарларида очик май-донларда Ўзбекистон Миллий сим-фоник оркестри “SOTHIS AEGIS” кон-церт дастурларини намойиш этди.

18 июнь кун-и Нукус шаҳрига Ўз-бекистон давлат филармониясининг миллий симфоник оркестри ва лойиҳа иштирокчиларидан ибор-рат мусиқа қарвони етиб келди. Шу куннинг ўзида дирижёр Али-бек Кабдурахмонов Қоракалпоғис-тон Республикаси “Халқ созлари” оркестри жамоаси билан машқ қарвонини ўтказди. И.В.Савицкий номидаги давлат санъат музейи ёнидаги марказий майдонда лойи-ҳа иштирокчиларининг биргалик-даги концерти бўлиб ўтди.

Шундан сўнг Хоразм вилояти Хива шаҳридаги “Ичан қалъа” дав-лат музей кўрикхонасининг “Ота дарвоза” олд майдонида симфоник оркестр концерти давом эттирди. Хивада илк мартада ўтказил-ган мақур мусикий дастур жон-ли ижрода тақдим этилгани, унда мумтоз асарлар, машҳур романтик куйлар, опера ва фильмлар мусиқа-лари, рақс композициялари томоша-бинларга муносиб совға бўлди. Бир ярим соат давом этган концерт му-ҳлисларнинг самимий олқишлари би-лан яқунланди. “OPEN AIR. SAHRO SIMFONIYASI” мусикий концерти Хивада ўтказилгани “Рақс сеҳри” ва “Қовун сайли” каби йирик лойи-ҳалар қаторидан жой олди.

“Мен Хиванинг тарихий худуди-да яшайман. Неварларимни олиб симфоник оркестрининг бепул на-мойишига келдим. 42 йил аввал бу мусиқаларни Навоий номидаги дав-лат академик қатта театрида эши-ган эдим. Очиги, тинглаб қўларимга ёш келди. Қанийди бундай концерт-

лар тез-тез бўлиб турса”, дейди хи-валик Мукаррам Розинкулова.

Термиз шаҳридаги концерт-га ҳам вилоятнинг кўплаб мусиқа муҳлислари таширф бўюришди. Жамоани оркестр бадиий раҳбари, Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов бошқарди.

Очик осмон остида ўтган уну-тилмас концерт дастури Қарши шаҳридаги вилоят мусиқали драма театри биноси майдонида ҳам ташкил этилди. Концертада Алишер Навоий номидаги давлат академик қатта театри солисти Дамира Раҳ-монова ва маҳаллий ёш санъат-корлар ижроси томошабинларни ниҳоятда мамнун қилди.

Ўзбек миллий мумтоз ва рақс санъатини кенг тарғиб этиш мақ-садида филармония ва унинг худ-удий бўлинмалари жорий йилда хориж мамлакатларга иқодий са-фарлар уюштирди. “Наврўз” умум-халқ байрами муносабати билан Хитой Халқ Республикасининг пойтахти Пекин шаҳрида “Мил-лий қарнай-сурнай” ҳамда “Ўзбе-кистон” ашула ва рақс ансамбли, Корея Республикаси пойтахти Се-ул шаҳрида “Наврўз” ва “Лази” ансамбллари, Қозғистон Респу-бликасининг Чимкент шаҳрида “Қо-зғистон халқаро бирлиги қуни”га бағишланган концерт дастурида “Ўзбекистон” ашула ва рақс ан-самбли санъаткорлари, Миллий симфоник оркестри созандалари маҳоратларини намойиш этди.

Ўзбек санъаткорлари жаҳон бўйлаб ўтказилган халқаро фести-валларда фаол қатнашиб, санъат-севар халқларнинг олқишларига сав-зор бўлдилар. Уларнинг халқаро анжуманлардаги иштироки санъа-тимизга дунё миқёсида эътибор ор-тиб бораётганлигидан далиллатдир.

Айни пайтда филармония жа-моалари таникли хорижлик санъ-аткорлар билан маҳорат дарслари-ни ўтказмоқда. Жумладан, “Тур-кистон” санъат саройи-да бўлиб ўтган концерт дастурида машҳур япон дирижёри Дзен Обара,

Ўзбекистон давлат консерватория-сида ташкил этилган концертада россиялик скрипкачи Мария Юде-ниқ, пианиночлар: япониялик Куаширо Хирама, хитойлик Синао Қин, Тяньжу Лиан, Жинхонг Ли, канадалик Атхена Денг, мақоолик Антониетте Ченг, австралиялик Рио Хуанг, россиялик пианиночи Евгений Алексеев ҳамда венгрия-лик хонанда Наталья Балитг ва бошқа кўплаб машҳур санъаткор-лар фаол иштирок этишди.

Мухтарам Президентимиз ил-гари сурган беш ташаббусни ҳаёт-га таъбиқ этишда Филармония жа-моалари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқда. Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳри-да амфитеатрда вилоят ёшлари ўз байрамлари — “Ёшлар кун-и”-ни нишонлади. Ўзбекистон давлат филармониясининг “Ўзбекистон”, “Лази”, “Навбахор”, “Дуторчилар” ҳамда Филармониянинг вилоят бў-лими “Мўъжиза” рақс жамоаси-нинг таникли санъаткорлари тадбир иштирокчиларини хушнуд этди.

2019 йил декабрь ойида Тош-кент шаҳрида “Global Music Partnerships LLC” деб номланган II Халқаро конкурсининг гала кон-цертини ўтказиш режалаштирилмоқда.

Абдуваҳоб САҲИЕВ,
Ўзбекистон давлат филармонияси бош директорининг биринчи ўринбосари



O'ZBEKISTON
ADABIYOTI VA SAN'ATI

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон манзилмиз: uzas.gzt@mail.ru

Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
Халқоронлигиз:
akfa

Бош
муҳаррир
Ўқтам
МИРЗАЁР

Тахририятга келган қўлхатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.
Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Гулчехра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
26.11.2014 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган.
Адади — 5739. Буюртма Г — 755.
Ҳажми — 3 босма табақ А-2
Нашр кўрсаткичи — 222.
Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42 Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.
СОТУВА НАРХИ
ЭРКИН.
ISSN 2313-634X
4 772 81 634 000